

Дилбар АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
ўқитувчиси

ФАНАТИЗМ ВА УНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Бугунги глобаллашув шароитида ёшларни ёт ғоялардан асраш, уларда мафкуравий соғлом иммунитетни таъминлаш, диний фанатизм, экстремизим каби маънавий таҳдидларни бартараф этиш бугунги кун учун долзарб масалага айланган. Маълумки, бирор бир иллатни олдини олиш учун аввало, уни келтириб чиқарувчи омиллар ва сабабларни англаш зарур. Қуйидаги мақолада диний фанатизм тушунчасининг ижтимоий-психологик таҳлили ва бу каби ҳолатни юзага келишига сабабчи бўлувчи турли омилларни келтириб ўтамиз.

Диний фанатизм асосан диний мазҳабларда яққол намоён бўлади. Бу диний фаолиятга, ундаги турли маросимлар ва ибодатга мутаассиблик билан киришиш ва ўз хайрихоҳ гуруҳлари ичда бирлашиб кетиш. Диний фанатизм одатда диний тамойиллар номи билан қурбонликни муқаддаслигига асосланади. Унинг психологик асоси – эътиқоддир. Диний мутаассиб шахснинг эмоционал кечинмалари унинг рационал фикрлаш қобилиятидан устунлиги билан таснифланади. Яъни диний ақидапараст шахс воқеа-ҳодисаларни когнитив билиш орқали эмас, балки эмоционал кечинмалар таъсирида таҳлил этади ва ёндашади. Диний ақидапарастликнинг асосий турлари орасида пассив-фикрловчи ва актив-экстремистик турлари ажралиб туради.

Ақидапарастлик тушунчасини илк бор Француз воизи ва илоҳиётчиси Жак-Бенинь

Боссюэ (1627–1704) томонидан қўлланилган. У ўз даврида католик динини монархия ҳокимияти устуворлик қилувчи Франция учун расмий қарашлар тизими сифатида кўрган француз абсолютизмнинг асосий мафкурачиларидан бири эди. Боссюэ ақидапараст тушунчасини ўша давр ўз диний эътиқодларини черков муносабатлари ва қоидаларига эмас, балки фақат ҳудогагина боғлиқлигига ишонган протестантларга нисбатан қўллаган.

Боссюэ диннинг асосини ахлоқ ва интизомда, деб билган. Христианлик у учун ахлоқ нормаларининг намунаси эди, лекин у ҳар қандай илоҳий ҳис туйғулар ва мистик ҳодисаларни “руҳий вабо” (la peste spirituelle) сифатида қабул қилган. Шу кўринишдаги диний эътиқод вакиллари унинг наздида диний ақидапараст ва бидъатчи дея ҳисоблаган.

Боссюэ диний мурасасозлик тарғиботчиси эди. У Людовик XIV 1685 йили Генрих IV томонидан протестантлар ва католиклар учун тенгликни жорий этиш учун 1598 йили қабул қилинган Нантес фармони бекор қилишга ундаган.

1764 йили Женевада “Фалсафий луғат” нашр этилди, унда француз файласуфи, маърифатчи, тарихчи ва шоири Вольтер (1694–1778)нинг “фанатизм” сўзига берган изоҳи чоп этилди. Вольтернинг таъкидлашича, ақидапараст шахс – “ўз нодонлигини куч орқали ҳимоя қилувчилар”дир. Улар ўз ғоясини ҳимоя қилар экан, унга қарши бўлган

барча инсонларга нисбатан куч ишлатиш ва қатл қилишга тайёрдир. Бунга мисол сифатида Вольтер тарихий Варфоломей кечасини мисол қилиб келтиради. “Ақидапарастлар – бу ўзларининг ғояларидан ўзгача фикирловчиларга ўлим ҳукмини ўқувчи судиялардир” – дея эътироф этган эди Вольтер.

Диний ақидапарастлик психологияси тўғрисида тўхталар экан, Вольтер – бу шунчакий “жоҳиллик меваси” ёки Бейль таъкидлаганидек, “ибтидоий жон” эмас, балки оломон психологияси билан чамбарчас боғлиқ ҳолатдир, – дея таъкидлайди. Фанатизия ҳар доим қабиҳлик ва шавқатсизлик хусусиятига эгадир. У айна вақтда хурофот, ғазаб ва жоҳиллик каби иллатларнинг асосчиси ҳисобланади, – деб алоҳида эътироф этади Вольтер.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, диний фанатизимни юзага келишининг нафақат ижтимоий, балки психологик илдизлари ҳам мавжуд. Диний ақидапарастлик тушунчаси ҳақида сўз борар экан, эътиборни характер акцентуацияси тушунчасига қаратиш зарурдир. Маълумки, шахсдаги характер акцентуацияси – шахсдаги бир характер хусусияти бошқаларига кўра бўрттириброк намоён бўлиши ва муайян шахснинг ўзига хос хусусияти сифатида гавдаланад.

Характер акцентуацияси – норма ва патология ўртасидаги оралик босқич сифатида қаралиб, унинг патологик босқичига қадар намоён бўлиши психопатияга айланиш хавфини туғдиради. Характернинг акцентуациялашганлиги турли ижтимоий-психологик оғишларни юзага келишига замин яратиши мумкин. Шахсдаги турли фанатик ҳолатларни ва ҳатто, диний фанатизимнинг ҳам келиб чиқишда характер акцентуациясининг аҳамияти катта бўлиши мумкин. Қуйида бу каби ҳолатларга таъсир этувчи турли акцентуация типларини келтириб ўтамир:

Демонстратив (намоийшкорона) тип.

Ушбу турдаги характер акцентуацияси эгаси доимо диққат марказида бўлишга интилади, унинг барча фаолияти айнан шу масалага йўналтирилган ҳолда кечади. Бу турдаги характер аномалияси асосида ўз динини ва эътиқодини барчага кўз-кўз қилиш орқали ҳар қандай йўл билан ўзининг диндорлигини ҳаммага эълон қилишга интилади. Аслида эса диннинг асосий талабларига субъектив тарзда эътиқод қилмайдиган ақидапараст шахс шаклланади.

Дистим шизоид тип.

Бу турга мансуб шахслар эмоциялари суст ифодаланган ва интроверт типдаги бўлиб, кўп ҳолатларда салбий кайфиятда бўладилар. Бу хилдаги характер асосида диний қарашларига муккасида кетган ва атрофдаги инсонларга ва воқеликга нисбатан бефарқ шахс шаклланади. Шунингдек, бундай шахслар ўз хатти-ҳаракатларининг бошқа инсонларга нисбатан кўрсатиши мумкин бўлган таъсирига бефарқ қарайдилар.

Эпилептоид – қўзғалувчан тип

Бу каби характер акцентуациясига мансуб шахсларда шавқатсизлик тажовузкорлик ва реактивлик хусусиятлари ажралиб туради. Қўзғалувчан одамларнинг реакциялари импульсив бўлиб,

улар бирор нарсани хушламасалар масалага келишув асосида ёндашмайди, аксинча, бағрикенглик улар учун бегона. Юз ифодалари ва сўзлари билан салбий эмоцияларига эрк беришни ва ўз талабларини очикча эълон қилишга мойилдир.

Қотиб қолган тип

Бу каби характер хусусиятидаги шахсларда адолатга интилиш ва қасос олишга мойиллик ёрқин ифодаланган бўлиб, бу характер акцентуациясига эга бўлган шахсларда диний ақидапарастликнинг юзага келиши бошқа турларидан кўра хавфли ҳисобланади. Бу каби инсонлардан жамият учун турли таҳдидларни келтириб чиқариши мумкин.

Рус диний ва сиёсий файласуфи Николай Александрович Бердяев (1874–1948) ўзининг 1937 йили “Русские записки” журналида чоп қилинган “Ақидапарастлик, ортодоксия ва ҳақиқат ҳақида” номли мақоласида диний ақидапарастликка танқидий фикрларини билдириб ўтади. У “ақидапарастлик” сўзига синоним сифатида “муросасизлик” нисбий маънода рашкчи маъносини келтиради. Унинг фикрича, ақидапараст шахс худди рашкчи бир инсондек барча ерда хиёнат ва сотқинликни кўради. Бундай шахслар ўта шубҳа ва гумонларга берилувчан бўлиб, гўёки ҳамма ерда унинг эътиқодига нисбатан фитна уюштирилаётгандек туюлади.

Бердяев диний ақидапарастликнинг зиддиятли хусусиятларига ишора қилиб куйидаги фикрларни келтириб ўтади:

“Ақидапараст шахс доимо ўзининг қандайдир тақиб остида, деб ҳис қилади, атрофда уни шайтоннинг турли хила-ю найранглари қамраб олгандай ҳис қилади. Ўзини доимо турли душманларининг таъқиб ости, – деб ҳис қилувчи инсон – ўта хавфли мавжудотдир, хавфда яшовчи инсон ўзи ҳам аслида тақиб қилувчига айланади”.

Бердяевнинг фикрича, ақидапараст инсонлар шайтонга илоҳнинг мавжудлигидан кўра, кўпроқ эътиқод қиладилар. Ақидапараст инсонлар ўз ички кўрқувини енгил учун зўравонлик қилади, бу уларнинг ожизликларининг яққол намунаси. Унинг эътиқоди салбий тусга эга-чунки ақидапарастликнинг асли ҳам эътиқоднинг ожизлигининг яққол далилидир.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки ақидапарастликни келтириб чиқарувчи бирламчи омил илмсизликдир яъни, шахс маънан кучли эътиқодга эга бўлиши мумкин, лекин унинг эътиқоди зарурий билим ва кўникмалар билан бойитилмаган бўлса, унда диннинг асл моҳиятини тушуниш, уни ижтимоий ҳаётга тадбиқ этишда кўр-кўроналик ва фундаментализм каби ёндашувларга берилиш устунлик қилиши мумкин.

Эътибор қиладиган бўлсак, аслида барча динлар инсониятни комилликка, яратувчанлик ва буюк қадриятларга чорлайди. Агар шахсга назар солсак ундаги туғма инстинктлар унинг биологик жиҳатидан ҳимояловчи бўлиб хизмат қилса, дин инсониятни маънавий оламини ҳимоя механизми ҳисобланади. Дин ва диний эътиқод асли турли ижтимоий-психологик муаммоларни келтириб чиқиши эмас балки, уларни олдини олиш учун мавжуд нормалар йиғиндиси сифатида жамиятда рол ўйнаши зарур. Шундагина биз учун ёт бўлган турли ақидавий бузулишлар ва маънавий оғишлар ўрнини яратувчанлик, комиллик каби буюк инсоний қадриятлар эгаллаши мумкин.